

Мамлакатимизда

- **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида** Кишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.
- Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи Тамара Костина Президент Ислам Каримовга самимий қалб сўзлари, зағу тилақлари баён этилган мактуб йўллаб, Ўзбекистондаги барқарорлик, тиңчилик ва оқошталлик учун миннатдорчилик изҳор қилиб, ўз асарларидан бирини Президентимизга тўхфа қилган эди. Қуни кеча Бухорода Тамара Костинага Президентимизнинг мактуби ва эсдалик совғаси тантанали вазиятда топширилди.
- Қашқадарё вилоятида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.
- Республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ҳузуридаги Реклама бўйича идоралараро кенгашнинг тегишли соҳаларда «Реклама тўғрисида»ги Қонун талабларининг бажарилишига бағишланган йиғилиш ўтказилди.
- Қўқондаги «Механика заводи» очик турдаги акциядорлик жамияти қошида «Машъала» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ишга тушди. Корхона бундан буён нефть ва газ саноати учун керакли бўлган оли турдаги пўлат арматуралар ишлаб чиқаради.
- Қаршидаги «Азамат» хусусий фирмасида хоризж технологияси асосида замонавий мебеллар тайёрлаш йўлга қўйилди.
- Андижондаги Чўлпон номли кинотеатр неғизида бағишланган «Академия» учун ҳуқуқий маркаш ташкил этилди.
- Нукусда эркин кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати ўз низоёсига этди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан 112 нафар эркак ҳамда 12 нафар хотин-қиз иштирок этди.

ПОЙТАХТНИНГ
Бир кунни
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА сатрларда

□ **ТОШКЕНТ** Давлат техника университетидида олий ўқув юртлири ҳамда хорижий давлатлардан таширф бююрган олимлар иштирокида Мустақилликнинг 10 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

□ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университетидида истиқлолнинг 10 йиллиги олдида ўқитувчилар ва талабалар иштирокида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

□ **БҮГҮН** Юнусобод тумани ҳокимлигида тумандаги 15 га яқин шоҳқўчалар, асосан Амир Темури кўчасини ободонлаштириш ишларини муваффақиятли ниҳоясига етказиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

□ **ШАХРИМИЗДА** Буюк Британия билан ҳамкорликда дори-дармон ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Фарм-Элаз» корхонаси фаолият бошлади.

□ **ЎТГАН** кунни Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидида ўтказилган хотира кечаси юртимиздаги кимё ва физика дарсликларининг биринчи муаллифи Хусайнхон Ниёзийнинг 105 йиллигига бағишланди.

□ **ТОШКЕНТДАГИ** политехника касб-хунар коллежидида ўқитувчилар ва ўқувчилар иштирокида ўтказилган очик эшиклар кунидида ўқувчилар тайёрлаган бююмлар кўргазмаси намойиш этилди.

□ **ЎРТАГА** Юнусобод туманидаги 331-боғча тарбияланувчилари иштирокида «Олтин ҳумо» фестивали ўтказилди.

□ **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** 8 та олий ўқув юртлирининг билимдон талабалари иштирокида «Кувноқлар ва зукколар» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙИ — 100 ЁШДА

ТАРИХИЙ САНА ШОДИЁНАЛАРИ



Аввал хабар берганимиздек, ўтган жума кунни Тошкентда трамвай ҳаракатининг йўлга қўйилганга юз йил тўлишига бағишланган байрам тадбирлари бўлиб ўтди.

Маълумки, 1896 йилнинг ноябрь ойида «Сисъете жернераль де Бельжик» компанияси Тошкентда — Туркистон ўлкасида биринчи трамвай қурилишига кўмаклашишни ўз зиммасига олган эди. 1901 йил март ойининг охирида эса вокзалдан Эски шаҳар бозоригача от қўшиладиган дастлабки трамвай қатнови йўлга қўйилди.

Шундан буён бир аср ўтди. Ушбу муҳим сана муқофосига эришди. Сўнг бу ерда байрамга бағишланган митинг ва концерт бўлиб ўтди. Тантаналар Темирийўлчилар маданият саройида да



тақдирлаш тўғрисидаги Фармонга имзо чеқди. Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов мамлакатимиз раҳбарининг шу соҳа ходимларининг халқ фаровонлиги йўлидаги меҳнатига юқори баҳо берилган табригини ўқиб эшиттирди ва уларга давлат муқофотларини топширди.

Электр транспорти ходимларини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Анатолий Исаев, Бельгиянинг Ўзбекистондаги Бош консули Жан Клод Божан, Чехиянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Ярослав Лудва, шаҳар электр транспорти корхоналари халқаро ассоциациясининг раҳбари Олег Тирбух, Украина транспортчилари делегациясининг вакили Вадим Новиков ва бошқалар ҳам қўтлашди.



Йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳар йўловчи транспорти корхоналари давлат уюшмасининг меҳнат жамоасига табрик йўллаб, электр транспорти корхоналарининг алоҳида ўрнатилган бир гуруҳ ходимларини орденлар, медаллар ва фахрий унвонлар билан

Эстрада юлдузларининг чиқишлари байрамга ўзгача фойз ва тароват бағишлади.

ДИЛШОД ИСРОИЛОВ СУРАТЛАРДА: Тошкент трамвайининг 100 йиллигига бағишланган байрам тадбирларидан лавҳалар.
Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

ВОҚЕА АРАФАСИДА

ТОШКЕНТ
Бешинчи Тошкент савдо-саноат ярмаркаси

Газетамизда илгари хабар берганимиздек, шу йилнинг 25-28 апрель кунлари пойтахтимиздаги «Ўзқўргазмасавдо» мажмуидида «Бешинчи Тошкент савдо-саноат ярмаркаси» ўтказилди.

Беш йилдан буён шаҳримизда муваффақият билан ўтказиб келинаётган ушбу ярмарканинг ташкилотчилари — Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ва Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасидир. Тошкент Халқаро Бизнес Маркази эса уни тайёрлаш ва ўтказилишини таъминлайди.

Ярмарканинг асосий мақсади пойтахтимиздаги фаолият кўрсатаётган корхоналар, қўшма ва чет эл корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган махсулотларни аниқлаш ва уларни кенг тарғиб этиш, шунингдек чет эл фирмалари тақдиф этаётган махсулотлар ва экспорт бозори талабларини ўрганиш ҳамда янги ишлаб чиқариш алоқаларини ўрнаттириш.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, ушбу ярмаркада ўз ва кичик бизнес корхоналари вакиллари ўз махсулотларини кенг тарғиб қилиш имкониятига эга бўлмоқда. Бу йилги ярмаркада ҳам 200 тадан ортиқ хар хил мулк шаклидаги корхоналар иштирок этади. Улар орасида қўшма ва чет эл корхоналари, ҳисдорлик жамиятлари, хусусий фирма ва кичик корхоналар, масъулияти чекланган жамиятлари мавжуд. Терига ишлов бериб ундан турли хил махсулотлар тайёрловчи «Damin Konchi», полимер қопланган металлдан бююмлар ишлаб чиқарувчи «Dia», музаймоқ тайёрлашга ихтисослашган «MABRURAXON», чинни идишлар ишлаб чиқарувчи «Mobi Chinni» хусусий фирмалари, металл черепацалар ишлаб чиқарувчи «Tezintom» қўшма корхонаси, ёғочни қайта ишловчи «EDO», «Прима» ҳамда тиббиёт моими ишлаб чиқарувчи «Олмос-текс», мармар плиталар тайёрловчи «Invest Tosh», жунни қайта ишловчи «То'ра Собир» масъулияти чекланган жамиятлари ана шулар жумласидандир.

Бу йилги ярмарканинг ўзига хос томони шундаки, унда илк бор лизинг, консалтинг, инженеринг фирмалари, катта илмий-техник салоҳиятга, янги гоюларга эга бўлган Фан ва техника Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, лойиҳа институтлари ҳам иштирок этишади. Шуниси қувонарликки, иштирокчиларнинг орасида экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи махсулот ишлаб чиқариш мақсадига мўҳим хисса қўша оладиган корхоналар кўпчиликини ташкил этади.

Кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи мувофиқлаштирувчи кенгаш, Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Марказий Банк Тошкент шаҳар бошқармаси ва тижорат банклари, шаҳар божхона бошқармаси, Тошкент шаҳар бош солиқ бошқармаси, республика товар-хом ашё биржаси шартнома комиссиясининг консултация хизматлари ярмарка давомида ташкил этилади. Шунингдек, ярмарка кун тартибидан турли мавзулардаги илмий-назарий семинарлар ҳам ўрин олган. 27 апрель кун эса «Время и мы» газетасининг тақдирот маросими ҳам бўлиб ўтади.

Энг муҳими, ярмарка корхоналарининг бозор иқтисодиёти шариқатида ўз ўрни ва истеъмолчисида топшишда катта аҳамиятга эгадир. Шубҳасиз, бу галги ярмарка ҳам амалий ҳамкорлик, ўзаро фойдаланиш битимлар тузиш маркази, бўлажак шериклар учрашадиган жойга айлиниб, мамлакатимиз иқтисодиёти раванга, Ватан ва халқ манфаатларига хизмат қилади. Иштирокчиларнинг келгуси режалари ривожда ушбу ярмарканинг аҳамияти катта бўлишига шубҳа йўқ. Буни ярмарка натижалари кўрсатиб беради.

Шарофат БАХРОМОВА

ФУТБОЛ: ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ — 2002

Тошкентда катта футбол байрами

Ниҳоят, кўп сонли ишқибозларимиз узок кутган дамлар етиб келди.

БҮГҮН

Тошкентда катта футбол байрами — «Пахтакор» ва МХСК стадионларида 2002 йилги жаҳон чемпионатида Осиё қитъаси 7-гуруҳидаги дастлабки саралаш босқичининг илк ўйинлари бўлиб ўтади.


Шуни айтиш керакки, ушбу масъулиятли ва хиддий турнирга футболчиларимиз ҳам, мутасаддилар ҳам катта тайёргарлик кўришди. Жумладан, хар иккала стадионда тўла таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, ўриндилар, ювиниш ва ечиниш хоналари халқаро андозалар даражасига келтирилди. Майдонга ётқизилган чиларнинг ҳам сифати аъло эканлигини мутахассислар эътироф этишмоқда.

Охириг машгулотларда эса терма жамоамизнинг барча ўйинчилари — Россия клубларидан келган легионерлар, мамлакатимиз клубларида тўп сураётган энг мохир ўйинчилару, Ўзбекистон фуқаролигини қабул қилган Болгария ва россиялик футболчиларнинг ҳаммаси ўзларининг яхши спорт формасида эканликларини намойиш этишиб, терма жамоамизнинг муваффақиятини таъминлаш учун бутун куч-маҳоратларини кўрсатишга тайёр эканликларини билдиришди.

— Фақат А.Фёдоров ва М.Шақиж каби етакчи ўйинчиларнинг жароҳати бизни бироз ташвишга солмоқда, — дейди Ўзбекистон терма жамоасининг бош мураббийси Владимир Сальков. — Қолган ҳамма футболчиларимиз мусобақага тахт. Шу йили Исроил, Болгария ва Германияда ўтказилган асосий ўқув-машқ йиғинлари ва Европа жамоалари билан ўтказилган ўртоқлик-назорат учрашувлари ўйинчиларимизнинг маҳоратларини сезиларли даражада ошириб, катта вазифаларни ҳам хал этиш даражасига етказди. Ва чарм тўп устларимиз Иордания ҳамда Туркменистон каби галабага даявогарлик қилувчи жамоалар билан муносаб ўйин кўрсатишига ишончим қомил.

Биз ҳам мамлакатимиз бош терма жамоасининг саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтишига тилақдоримиз. Бунинг учун барча керакли шарт-шароитлар яратилди. Фақат ўйинчилар ўз маҳоратларини кўрсатишса бас.

Даврон ИСАЕВ



ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

«Ўзбекистон қўшиқ байрами»ни ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 27 августдаги ПФ-1550 сонли Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 ноябрдаги «Ўзбекистон қўшиқ байрамини ўтказиш тўғрисида»ги 403-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Ўзбекистон қўшиқ байрамини ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Унга мувофиқ аънаванавий «Ўзбекистон қўшиқ байрамини» ўтказиш бўйича Тошкент шаҳар ташкилий қўмитаси тасдиқланди.

Шаҳар Маданият ишлари бош бошқармаси, шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси зиммасига 2001 йил 30 апрелгача ўз тасаруфидидаги ташкилотларда саралаш кўрик-танловларини ўтказиб қолибларни шаҳар кўрик-танловда қатнашиш учун юбориш топширилди. Шаҳар кўрик-танлови 2001 йил май ойининг иккинчи ўн кунлигида ўтказилди.

Туман ҳокимликлари зиммасига қуйидаги вазифалар:

- жойларда «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловини юқори савияда ташкил қилиш ва ўтказишини таъминлаш;
- кўрик-танловини тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатларни, шунингдек саҳна либосларини тайёрлаш учун сарф-харажатларни бюджетдан ташқари жамғарма ва ҳомийлар ҳисобидан қоплаш оқлатилди.
- «Ўзбекистон қўшиқ байрами» шаҳар босқичининг якуний концертининг Ўзбекистон Миллий боғининг «Наврўз» мажмуидида ўтказилиши 2001 йил май ойининг учинчи ўн кунлигида белгиланди.
- «Тошшаҳарнур» бирлашмасига якуний концерт учун керакли овоз кучайтириш ва ёритиш ускуналари билан ёрдам тариқасида таъминлаш оқлатилди.
- Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаментига тадбир ўтказиладиган жойда савдо шоҳобчалари ташкил этиш оқлатилди.
- Ички ишлар бош бошқармасига тадбирлар ўтказиладиган жойда жамоат тартибини сақлаш бўйича чора-тадбирлар белгилаш топширилди.
- Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамаси муҳосабаси зиммасига кўрик-танловни ўтказиш учун тасдиқланган сметага асосан Маданият ишлари бош бошқармаси ҳисобига Тошкент шаҳар ҳокимининг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳисобидан маблағ ажратиш оқлатилди.
- «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталари, Уштелерадиокомпаниянинг Тошкент шаҳри учун эшиттиришлар дирекциясига кўрик-танлов тадбирларини мунтазам равишда ёритиб бориш вазифаси топширилди.

Жаҳонда

- Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе мамлакатда Бош вазир раҳбарлигидаги вазирлар маҳкамасини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Маълумки, ҳозирги пайтда мамлакатда Конституцияга биноан кенг ваколатларга эга бўлмаган давлат вазири Президентдан сўнг ижроия ҳокимиятининг иккинчи шахси ҳисобланади.
- **Кеча** Россия Федерацияси Бош вазири Михаил Касьянов Ганновердаги Халқаро саноат ярмаркасининг очилишида иштирок этди. **Бугун** Михаил Касьянов Берлинга йўл олади ва у ерда ГФР канцлери Герхард Шрёдер билан учрашиб икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик ва Россиянинг Германиядан қарзлари ҳусусидаги масалаларни муҳокама қилади.
- Жанубий Қозогистон вилоятида ўзбек тилида чоп этиладиган «Жанубий Қозогистон» вилоят газетаси ўзининг 10 йиллигини нишонлади. Маълумки, ушбу вилоятда 350 минг ўзбек истиқомат қилади.
- Токиодаги «Коника» фотосалонида «Ўзбекистон — Буюк Ипақ йўлидаги мамлакат» номли кўргазма намойиши муваффақиятли якунланди.
- Ўтган шанба кунни Москвада III Жаҳон театр олимпиадаси очилди.
- **Кеча** Черногорияда мударатидан илгари парламент сайловлари ўтказилди. Дастлабки маълумотларга қараганда, ушбу сайловларда М. Жуковичнинг ҳуқорон партияси галабага эришган. Афтдан яқин орада бу сайловлар Черногориянинг Югославия Федерациясидан чиқиши тўғрисидаги масала юзасидан референдумга олиб келади.
- Россиянинг НТВ телеканал журналистлари «Газпром» ширкати билан курашишдан бош тортишди.
- **Кеча** Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов икки кунлик амалий таширф билан Москвага келди. Унинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашиши кутилмоқда. Учрашув чоғида тожик-афгон чегарасидаги вазият муҳокама қилинади.
- Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган Ҳамдустлик ва Болтиқбўйи мамлакатлари театралари иштирокидаги халқаро фестивалда Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тасаруфидидаги Ўзбекистон Ёшлар театри жамоаси таникли адиб Темури Зулфқоровнинг «Умар Ҳайём буржи» саҳна асарини намойиш этади.
- Жорий йилнинг 15 майда БМТ Бош қотиби Кофи Аннанин Россия Федерациясига расмий таширфи бошланадиган бўлди.
- Ўтган шанба кунни Чеченистоннинг Гудермес шаҳридан биринчи йўловчи поезди Москвага қараб йўл олди.
- Мароккаш пойтахтида ўзига хос саммит бўлиб ўтди. Африкадаги 20 дан зиёд мамлакатлар Президентларининг рафиқалари Африкадаги қизалоқ тақдирини ва унинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳамда ҳаётини ва маданий савиясини ошириш масалаларини муҳокама қилдилар.
- Россия Федерациясининг собик Президенти Борис Ельцин халқаро Демидов жағғармасининг Олий муқофоти билан тақдирланди.
- Ўтган шанба кунни Бокуда муҳолифатдаги Демократик партия руҳсат Берилмаган митингни ўтказишга уриниб кўрди. Полиция томонидан йигирма нафар киши ҳибсга олинди.
- Россиялик чегарачилар томонидан Аргун дарасида оммавий равишда дафн этилганлар жойи аниқланди. Экспертларнинг фикрича 4-6 йиллик ушбу дафн этилган жойда 18-32 кишининг қолдиқлари етибди.
- Украина Бош прокурори ўринбосари Алексей Богонещин маълум қилишча, ўтган йилнинг ноябрь ойида бедарак йўқолган украинalik мустақил журналист Георгий Гонгадзе Чехияда тирик кўрган одам топилган. Прокурорнинг таъкидлашича, айни пайтда гувоҳ сўроқ қилинмоқда.
- Хитойда темир йўл ҳалокати юз берди. Йўловчи поезди издан чиқиб кетди, бир неча вагон ағдарилиб кетди. Дастлабки маълумотларга қараганда, икки киши ҳалок бўлган, 50 дан зиёд одам жароҳатланган. Ҳалок бўлган кишиларнинг сони кўп бўлиши мумкин, чунки қутқарув ишлари эндигина бошланди.
- Нидерландияда оқсил касаллиги сабабли 40 мингдан ортиқ фермер ишдан ажралди.

Сермаҳсул натижалар

Ўтган кунни мамлакат X миллий чемпионатининг еттинчи тур учрашувлари ўтказилди. Пойтахт шарофини ҳимоя қилаётган «Трактор» ва «Академия» жамоалари ушбу турда савдарда ўйнади. «Сурхон» меҳмони бўлган тракторчилар 0:1 ҳисобида имкониятни бой берган бўлсалар, олий лига дебютанти «Академия» ҳам Қаршида «Насад»га 1:2 ҳисобиди ютқазиб қўйди ва муҳим уч очкодан маҳрум бўлди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Семург» — «Зарафшон» 1:1, «Навбахор» — «Турон» 3:0, «Металлург» — «Кимёгар» 0:0, «Бухоро» — «Самарқанд-Динамо» савдарда ўйнади. «Сурхон» меҳмони бўлган тракторчилар 0:1 ҳисобида имкониятни бой берган бўлсалар, олий лига дебютанти «Академия» ҳам Қаршида «Насад»га 1:2 ҳисобиди ютқазиб қўйди ва муҳим уч очкодан маҳрум бўлди.

ЎРТАГА
навбатдаги тур учрашувлари ўтказилди.
Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

Уч босқичда

Бундан беш йил муқаддам Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ва Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси махсус тасдиқланган дастурига асосан 15-шаҳар шифохонасининг кундалик фаолиятини тўхтатмаган ҳолда бир неча босқичдан иборат юқори талабларга мувофиқ қайта таъмирлаш бошланди. 1999 йили биринчи босқичда кўрсатилган «А» қисми барча талабларга жавоб бера олинди, юқори технология ва асбоб-ускуналарга эга бўлган ҳолда қайта таъмирланди. Бу ерда бугунги

— деди бош шифокор Азиз Иброҳимов. — Бу қисми ҳам ишга тушгач биринчи навбатда лифтондан фойдаланишга имкон туғилади. Бу эса юрак хасталиги билан оғриган беморлар учун катта аҳамиятга эгадир. Шу билан «Б» қисми ишга тушиши билан тўлиқ ҳажмда биринчи ёрдам кўрсатиши имкониятига эга бўлган, замонавий диагностика аппаратуралар билан жиҳозлан-

ми, клиник-биохимия лабораторияси, 45 ўринли 1-2 кишига мўлжалланган, барча қулайликларга эга бўлган кардиология бўлимига эга бўлади. Бу эса беморларга ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга ёрдам бўлади. Ушбу босқич бўйича шаҳар капитал қурилиш бошқармаси буюртмаси асосида «Универсал сервис» ҳамда «Араббой» хусусий фирмаси



қунда юрак хасталиги билан оғриган тўқсондан ошқ беморга бир вақтинг ўзида малакали тиббий ёрдам кўрсатилапти.

— Иккинчи босқичга мўлжалланган шифохонанинг «Б» қисмида айти кунларда иш қизгин бормоқда,

ган қабул бўлими, таннархи бирмунча арзон тушадиган дори-дармонлар тайёрлаш имкониятига эга бўлган дорихона, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган марказий стерилизациялаш бўлими, рентген диагностика бўли-

қурувчилари иш олиб бормоқда.

Дастур бўйича учинчи босқичда беш қаватли неврология корпуси, касалхона ошхонаси ва кир ювиш бўлими қайта қурилиши мўлжалланмоқда.

Бу борада лойиҳа ҳужжатлари расмийлаштирилиб, қурилиш ишлари бошлашга тайёрлаб қўйилган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан кўрсатилаётган бундай сай-ҳаракатлар натижаси республикада мустақиллигининг 10 йиллигига ва шифохона ташкил этилганининг 40 йиллик юбилейига муносиб совға бўлади.

Очил ҲАЗРАТОВ

СУРАТЛАРДА: «Араббой» хусусий фирмасининг қурилиш бригадирини Руслан Эшназаров ва пайвандчи уста Сунъат Бойназаровлар иш устида; янги қурилаётган шифохонанинг «Б» қисмининг қўрилиши. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.




Истиқлол ва биз

Шу азиз Ватан — барчамизники!

Муқаддас бурч

Муқаддам ЖАЪ-ФАРОВА, Сергели туманидаги 174-мактаб директори, халқ таълими фидойиси:



— Буюк истиқлолимизнинг ўн йиллиги яқинлашган сари «Бу кунларга етганлар бор — етмаганлар бор» деган ҳикматли ибора моҳиятини чуқурроқ англаётгандай бўламан. Ҳа, халқимизнинг асрий орзуи амалга ошганини кўришдек буюк бахт насиб этганлигининг ўзиёқ дилларимизга сурур ва гурур бахш этади. Ахир ота-боболаримиз бу кунларни қанчалик орзу қилишганини ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Улар мустақилликка ташна бўлиб, зорикиб ўтиб кетишди. Халқимизнинг қанчадан-қанча зуқко, билимдон ва истеъдодли вакиллари озодлик, эркин ҳаёт учун аёвсиз курашларда жонларини фидо қилишди.

Аллоҳга минг қатла шукрларки, Истиқлол кўёши қалбларимизни нурафшон этди. Ҳаётимиз тубдан ўзгарди. Қаддимиз ростланди, оламга татигулик маънавий хазинамизга абадий эга бўлдик. Бутун умрини ёш авлод тарбиясига бахш этиб келаётган бир инсон сифатида шуни айтишим мумкинки, эркин келажагини ўйлаган халқ, жамият ёш авлодга меҳр кўрсатади, ғамхўрлик қилади. Истиқлолимиздан кейинги йиллар худди шундай йиллар бўлганидан мамнунман. Ниҳоят фарзандларимиз энг замонавий усул ва услублар асосида, компьютерлар ва бошқа энг мукамил техник воситалар ёрдамида дунё андозларига мос билим олиш имкониятига эга бўлишди. Халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш дастурининг изчил амалга ошириб борилаётгани натижасида энг илгор ва юксак самарали ўқитиш тизими эга бўляпмиз. Таълимнинг ўзгариши занжири шаклланипти.

Шўроларнинг 70 йилдан озроқроқ даври мобайнида неча бор таълим тизими «ислоҳ қилинган» бўлса-да уларнинг биронтаси қутилган натижани бермаганди. Мустақиллик туфайли ўз миллий аъёнларимиз, маънавий қадриятларимиз ва урф-одатларимизга асосланган таълимни жорий этишга эришдик. Фарзандларимиз 12 йиллик таълим жараёнидан аниқ бир касбини эгаллаб чиқаришга эришди.

Яқин-яқинларда 9-синфдан кейин ёки ўрта мактабни тугатиб, на иш билан ва на ўқиш билан банд бўлмаган ёшлар муаммоси қанчалик калтис бўлиб турганини эслашимиз ўзиёқ Истиқлол ота этган буюк неъматлардан бири — халқ таълимидаги илғовий ўзгаришлар аҳамиятини намойиш этиб турибди.

Узоққа бормай, ўз оилам мисолида айтадиган бўлсам ўн ўғлимнинг ҳаммаси Мустақиллик йиллари мустақил ҳаётга қадам қўйди. Тўнғич ўғлим Акмал олий маълумотли мутахассис, тадбиркор — халқимиз дастурхонини энг азиз неъмат — нон маҳсулотлари билан тўлдирдишга хизмат қилиб келяпти. Уртанча ўғлим Жамшид ҳам шу соҳада меҳнат қилади — олий маълумотли технолог. Кичик ўғлим Жасур эса инглиз тили бўйича таржимонлик соҳасини танлаган. У хорижда ишлаб келиб, эндиликда ўз касб маҳоратини шу ерда туриб такомиллаштиряпти. Халқимизга, жамиятимизга кўпроқ фойдаси тегишига қайғуряпти. Она учун бундан катта бахт борми!

Албатта, мамлакатимизда катта бунёдкорлик ишлари давом этапти. Пойтахтимиз Тошкент шаҳри кўз ўнгимизда кун сайин, тобора юксак улғуворлик касб этиб бораётганини кўриб, қувончимизга-қувонч, гуруримизга-гурур қўшилиди. Ахир унинг тимсолида бутун мамлакатимиз равақини кўрамиз-да!

Ҳеч шубҳасиз, оламшумул воқеалар оғушида, улғу бунёдкорлик ишлари сарҳадлариде яшайпмиз. Биз педагоглар учун энг муҳими, халқ таълими тизимига амалга ошаётган ислохотларнинг тезроқ охирига етказилишига ҳисса қўшиш. Ёш авлодни буюк келажагимизга муносиб қомил инсонлар қилиб тарбиялаш олий бурчимиздир. Шу йўлда бутун куч-имкониятларимизни, билим ва тажрибаларимизни ишга солишга ҳаракат қилаймиз.

Инсоннинг шаклланишида унинг билимининг пойдевори мустақам бўлиши катта аҳамиятга эга. Чиройли дастхатга эга бўлишдан бошлаб, мустақил фикрлаш, ўз нуқтаи назарини эркин ифода қилиш, муҳим ишларни ҳал этишда масъулиятга ўз зиммасига ола билиш каби муҳим фазилатлар қобилият ва истеъдодни бола мактаб остонасига қадам қўйган бошланғич таълимдан бошлаб пухта шакллантириш керак, деб ўйлайман. Шунинг учун ҳам бошланғич таълимга ихтисослашган мактабимизда ўқитишнинг энг таъсирчан шакллари, замонавий усулларини изчил жорий этиб келяпмиз. Ўқитувчиларимизнинг кўпчилиги ўз соҳасининг етуқ билимдони сифатида туманимиздагина эмас, шаҳримизда ҳам катта оғурага эга.

Истиқлолимизнинг 10 йиллиги — мустақил Ўзбекистонимиз тарихидаги шонли санани ҳар томонлама катта ютуқлар билан қўлиб олиш ҳаммамиз ва ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз. Биз ҳам шу азиз Ватанимизнинг ватанпарвар фарзандларини сафларида туриб, ёш авлодни тарбиялашда янги муваффақиятлар билан улғу айёмни муносиб қўлиб оламиз. Азиз фарзандларимизнинг чуқур билимлари, мустақам саломадлиги, ҳушчақчақ кулгулари байрам тантаналарига арзигулик тортиқ бўлишига ишонамиз...

Шукроналик



Холида АХРОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

— Тинчликдан ортиқ бойлик йўқ, дейишади бобокалонларимиз. Шундан бўлса кераки, тинчлик билан ўтган ҳар онга, ҳар эз-

гуликка шукр қилиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Ҳа, шундоқ.

Ва худди шунингдек, насиб этган ҳар ёруғ кун, қавм-қариндошлар, дўст-ёрлар дийдори ва Аллоҳ етказган насибага шукроналик ҳам бизнинг эл-улусга хос хусусият. Буларни кузатарканман, дилим яйрайди. Ҳар гал дастурхондан туриш онда ўқиладиган фотиҳа жараёни қанчалик гўзал бир ҳолат. Бутун бир оила-у катта оилами ё кичик жамул-жам бўлиб, еган-ичганига шукроналик билдириб, энг яхши тилаклар билан ўрнидан туришда хосият кўп, деб ўйлайман. Еб-ичиб бўлиб, тап этиб туриб кетиш қаерда-ю шу дастурхондаги насибани етказган зотга шукроналик билдириб, сўнгра ўрнидан туриш ўртасида осмон билан ерча фарқ бор, албатта.

Бу борада ҳар хонадонда ўзига хос тартибот мавжуд. Дарҳақиқат, шукроналик бу бизнинг ўзбек миллиятига хос бекиёс гўзал ҳислат: отган тонгга, тинчлик-хотиржамликка, ўз шўъласи билан оламни мунаварр қилиб тоғ ортидан кўёшиминг бош кўтаришига, тани сихатлик, хотиржамликка шукр қилиш билан тонгчи қўлгайдилар, одадга ҳар хонадонда.

Менинг мўъжазгина оилам ҳам бундан мустақасно эмас. Беш ёшдаги набирам Жамшидхон боғчага шошилади чоғи, нон-шустасини қилиб бўлиб, қажжигина кафтини очиб: «Адам бой бўлсинлар, ойм бойвучча бўлсинлар, буювим соғ-саломат бўлсинлар, Мунисхон опам бешчи бўлсинлар, уруш бўлмасин, отиш бўлмасин, ҳурриятимизга кўз тегмасин!» — дея юзига фотиҳа тортади. Бунини мен катталарга таҳассубдан ташқари набираларимнинг мурғак кўнглида пайдо бўлган яхши ният сифатида намоён бўлган тилак деб биламан. Ҳар сўз ўйланган, ортиқчаси йўқ. Биламанки, опа-ука набираларим Мунисхон билан Жамшидхон узоқ ўйлашиб, фикрлашиб, кунда тилашади Аллоҳдан шу ниятга етказишини. Шу гўдақларимки, шу мурғак онг билан ўзлари учун энг яхши деб билган ниятни орага солган экан, мен ҳам уларга қўшимча қилиб: юртга тинчлик-хотиржамликни, ёмонларнинг жазосини ўзи беришини тилайман Аллоҳдан. Дастурхон атрофида ўтирган мўъжазгина оила бараварига юзимизга фотиҳа тортаман ва тилакларимизни амалга ошириш ҳаракатида: болалар боғча ва мактабга, катталар ўз хизматида йўл оламиз...

Ишончим, қомилки, айти шу паллада юртимизнинг турли гўшаларида умргузаронлик қилган ўғил-қизларим, қўёв-келинларим, невар ва эварларим ҳам Аллоҳга шукроналик билан эл-юрт хизматида шай бўлиб турибдилар... Яна шу нарсага ишончим қомилки, бутун эл-юрт, Ўзбекистонимизнинг бари меҳнат аҳли Мустақиллигимиз билан фахр-ифтихорда юртни янада обод этиш, Мустақиллигимизни мустақамлаш йўлидаги оламжаҳон хизматига тайёр турибдилар...

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

Талабаларга — стипендиялар

Тошкент шаҳар касабаяушмалари Кенгаши томонидан ёшларимизни рағбатлантириш ишларига муҳим аҳамият қаратилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, шаҳар касабаяушмалари Кенгашининг 1998 йил сентябрда бўлиб ўтган V пленумида пойтахтдаги олий ва ўрта махсус ўқув юртида малакали мутахассисларни тайёрлаш ва касабаяушмалари фаолиятига ёшларни кенгрок жалб этиш мақсадида келаси йилдан эътиборан ўрта стипендия таъсис этиш тўғрисидаги ташаббус билан чиққан ва раёсат бу ташаббусни маъқулаган эди. Кенгаш стипендиясига шахримиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртилари илмий (педагогик) кенгаши билан касабаяушма кўмитасининг Ни-

зом талабаларига мос келувчи номзодлар тавсия этилади. Кичиқ сессия яқунларига асосан тайинланадиган стипендиялар талабаларга ўқув муассасида белгиланган стипендия миқдоридан 50 фоиз ортиқдир.

Тошкент шаҳар касабаяушмалари Кенгаши 2000-2001 йилининг биринчи семестри яқунлари бўйича шахримиздан олий ўқув юртилари, коллежлари ва билим юртиларининг бир гуруҳ талабаларига кенгаш стипендианти гувоҳномалари топширилди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

ҲАМКОРЛИК

Янги шохобча

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетиде Ўзбекистон — Бавария Менежмент Трайнинг марказини очишга қарор қилинди. Германиядаги Бавария федерал ерининг Фарб-Шарк Менежмент Трайнинг Маркази билан тузилган ҳамкорлик шартномасига асосан марказнинг Тошкент шохобчаси ташкил топди.

Анвар ВАЛИЕВ

МАИШИЙ ХИЗМАТ

Мижозларга қулайлик

Юнусобод туманидаги Амир Темур кўчасида жойлашган Маийший хизмат марказига қарашли «Ларина» хусусий сартарошхонаси ходимлари пойтахтимиз аҳолисида ҳар ҳафтадан дўшанбадан жума кунига қадар бепул хизмат кўрсатишини йўлга қўйди. Соч турмаклашининг янги, замонавий усуллари-

ни моҳир сартарош Галина Гавриченко раҳбарлигида ўрганаётган Ирина Бикова, Мадина Асанова, Венера Исакова, Алия Ҳафизова каби бўлажақ косметолог-сартарошлар мижозлар сифини кенгайтириш мақсадида беминнат, бепул хизматни ташкил этдилар.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ

— Нурчиларимиз пойтахтимиздаги ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса ва халқ-шаҳарларимизни электр қуввати билан таъминлашга замон талаблари асосида ёндошиб, кечаю кундуз хавф-хатарсиз ишлаш, электр таъминотида узиллишларга йўл қўймастик учун меҳнат қилишмоқда, — дейди Дилмурод Алимов. — Мижозлар билан ишлашда янги технологиялардан кент фойдаланишга, компьютер хизмати асосида уларнинг вақтини тежашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, бирор жойда носоз ҳолатлар юз берса уни зудлик билан бартараф этиш чоралари қўрилади. Истеъмолчилардан эса бор-йўғи электр қувватидан тўғри фойдаланиш ва ўз вақтида унинг ҳақини тўлаш талаб этилади.

Аммо шундай корхоналар борки, уларнинг вақтида ҳисоб-китоб қилмасликлари фаолиятимизга салбий таъсир кўрсатиб, қанча-қанча асаббузарликларга сабаб бўлмоқда. Электр қуввати учун ҳақ тўламасликда «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат ҳиссадорлик жамияти «сардор»ликни қўлдан бермай келаяптир. Корхонанинг 1.265.283.002 сўм қарзи бўлиб, унинг 1.033.545.455 сўми муддати ўтган қарзлардир. «Ўзбектўқимачи-маш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 79.012.674 сўм (муддати ўтгани 65.003.526 сўм), йирик панелли уй-жой қуриш комбинатининг 20.623.215 сўм, «Тошметро-қурилиш»га қарашли механизация бошқармасининг 29.134.469 сўм (муддати ўтга-

Кундалик ҳаётимизда электр қуввати, «зангори олов», оби ҳаёт саналмиш сувнинг ўрни бекиёсдир. Ана шу тармоқлар ходимлари хизмат кўрсатишида янги технологиялардан унумли фойдаланиб, аҳолига ҳар томонлама қулайлик яратиш йўлида меҳнат қилишмоқда. Айнакча, кейинги йилларда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини бозор муносабатларига ўтказишга доир анчагина ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуни кеча матбуотда эълон қилинган «Коммунал хизмат соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарориде амалга оширилган ишлар таъкидланган ҳолда келгуси вазифалар ҳам тўла-тўқис белгилаб берилди. Бизнинг Тошкент шаҳар электр тармоқлари идораси энергия таъминоти хизмати бошлиғи Дилмурод АЛИМОВ билан суҳбатимиз ҳам Фармонда таъкидланганидек «Истеъмолчиларнинг тўлов интизоми пастлиги...» электр қувватининг турмушимизда, ишимизда нақадар зарур эканлигини била туриб ҳақини тўлашни пайсалга солаётганлар, ёруғи ёқиб, пули чакаётган, электр қувватидан ноқонуний фойдаланаётганлар ҳақида бўлди.

КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ МАВЗУИДА

Ёруғи ёқади, пули чақадими?

ни 10.362.646 сўм), 2-йирик панелли уй-жой қуриш комбинатига қарашли 2- уйсозлик комбинатининг 9086638 сўм, «Кўзгу Мухаббат» масъулияти чекланган жамиятининг 771562 сўм (муддати ўтгани 182971 сўм), «Тошмаҳсуспарлоозқурилиш» трести 11-қурилиш бошқармасининг 117777 сўм қарзлари бўла туриб, уни тўламай келишмоқда. Ахир шунча миқдордаги электр қувватидан текинга фойдаланиб, ҳақини тўлашни пайсалга солиш нурчилар хизматида нописандлик, ҳурматсизлик эмасми?

— Аҳоли ўртасидаги қарздорлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз...

— Тушунтириш ишлари ва ходимларимиз томонидан текширувлар олиб борилишига қарамай шахримизнинг ҳар бир туманида электр қувватидан йиллаб қарздор бўлиб юрганлар анчагина. Аниқ мисолларни келтириб, уларни номма ном санашимиз мумкин. Зора газетда ўз исм-шарифларига кўзи тушиб ён-атрофдагилардан уларига қарашли Яқкасарой тумани Бобур кўчаси, 24-уй, 5-хонадонда яшовчи Абдулмажид

Сатторов 5269 сўм, шу туман Кўшбеги даҳаси, 24-уй, 40-хонадон соҳиб Шомурод Сапаров 4375 сўм, Чилонзор тумани Муқимий кўчаси, 176-уй, 48-хонадонда истиқомат қилувчи Е. Стажки 4000 сўм, Юнусобод тумани, Обидова кўчаси, 107«А»-уй, 4-хонадон эгаси И. Халимулин 4620 сўм қарзларини ҳанузгача тўламай келмоқда. Айнакча, Мирзо Улуғбек туманида бепарво истеъмолчилар қўлаб учрайди. Буюк ипак йўли кўчаси, 341«А» уйда яшовчи Ф. Ермухамедова шу йилнинг ўзида 4 минг сўмга яқин қарздор бўлган. Феруза даҳаси, 43-уй, 56-хонадондан Г. Яковлев 6651 сўм, «6-Қорасув» даҳаси, 8-уй, 65-хонадондан Х. Хужа-

нақд чиққан жарима пули уларни ҳушёр тортирса. Бектемир тумани Б. Нозим кўчаси, 27-уйда яшовчи С. Чимиров электр ҳисоблагични шундан тўхтатиб қўйгани учун 12.112 сўм жаримани нақд тўлади. Шайхонтоҳур тумани, Уқчи кўчаси, 106-уй соҳиб Эркин Бобохонов электр ҳисоблагичдан ташқари телевизор, музлаттич ва ёриткичлардан фойдаланаётгани аниқланди, 9614 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди. Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 11-уй, 11-хонадонда яшовчи М. Аъзамова, Юнусобод тумани, 4-мавзе, 37-уй, 41-хонадон эгаси Д. Хайрулдиновлар ҳам устаси фаранглик қилиб электр ҳисоблагичнинг давлат тамғасини бузганликлари аниқланди ва уларга далолатнома тузилиб биринчисидан 10490 сўм, иккинчи қонунбузардан 11505 сўм жарима ундирилди.

Мирзо Улуғбек тумани, Феруза даҳаси, 19-уй, 1-хонадон эгаси А. Захаров электр ҳисоблагични тўхтатиб қўйиб, қондабузарлиги эвазига 4000 сўм жарима тўлаган бўлса, шу тумanning «1-ТТЗ» мавзеси, 5-уй, 72-хонадонда истиқомат қилувчи Ф. Қунафинага электр ҳисоблагичнинг давлат тамғасини бузганлиги учун 11251 сўм жарима солинди. Яна шу тумanning «Яланоч» мавзеси, 100-уй, 51-хонадонда яшаётган К. Синокаева электр ҳисоблагични қопқогидан тешиқ қилиб тўхтатиб қўйганлиги боис 10575 сўм жарима тўлаган бўлса, Измайлов кўчаси, 160-уй эгаси Анвар Файзиев ўзича устабузармонлик қилиб ҳисоблагичдан ташқари пайвандлаш ускунасига улаб олганлиги ҳамда электр энергиясидан нотўғри фойдаланганлиги эвазига 4 минг сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

Истеъмолчиларга яна бир нарсани эслатиб қўйишни лозим деб ўйлаймиз. Агарда сиз фойдаланилган электр қуввати учун вақтида пул тўлаб, ундан қондабузарликсиз, тежаб-теғаб, исрофгарчиликсиз фойдалансангиз бу ўзингизга фойда. Бу билан сиз доимо хонадонларингиз нурафшонлигига, электр тармоқлари ходимларининг сизга беминнат хизмат кўрсатишига, шунингдек электр тармоқларидаги носозликларнинг олдини олишга эришасиз.

Шарифа ИЛЕСОВА суҳбатлашди.

Оз-оз ўтганда домо бўлар...

МИННАТДОРЛИК

Эллик олтига кириб, эллик олтига катта-кичик манбаларни форс тилидан таржима ва тадқиқ қилиб, нашр қилдим. Менинг ҳар бир чиқарган китобларимни кутадиган аяхон биродарларим ва дўстларим бор. Айниқса, бор-йўғи иккинчи синф маълумотига эга бўлган, ҳозирда марҳум аяхон биродарим Усуббек ака ҳар бир китобимни ўқиб чиқар ва кўп жойларини эсда сақлаб қолар эди. Айниқса табобатга оидларидан баъзи моддаларнинг даволик томонларини ёдлаб оларди. Утиришларда бирортаси мендан бирор дори хақида сўраса, Усуббек акага ишора қилар эдим. Усуббек ака унга тушунтириб кўярди. Шундай биродарларим ичида Фатхулла Маҳсум ҳам аввалги ўринларда турарди. Бундай кишилар менинг яна китоб ёзишга илҳомлантирар эдилар. Баъзан нашрийётга ҳам хатлар келиб турар ва уларда қисқагина миннатдорчилик эшхор қилинган бўларди.

Миннатдорчилик билдирувчилар орасида менга энг кучли таассурот қолдиришди Абдулфайёзбекнинг хати бўлди. Бунинг тафсилоти шундай.

1999 йил октябрь ойининг бир кунинда иш хонамда ёзиб ўтирган эдим, эшикдан ёшгина бир йигит кириб келди. Китоблар хақида бироз суҳбатлашиб ўтирдик. Йигит кетишга шайланар экан, ёнидан конвертга солинган бир хатни чиқариб: «Ўқиб кўрасиз, мен сизни кидирмаган жойим қолмади, охири шу ердан топдим», деди ва хайрлашиб чиқиб кетди. Мени ҳажонга солган бу хатни айнан, ҳеч ўзгаришсиз келтирмадим:

«Хурматли Маҳмуд ака! Ушбу хатни ёзишга сабабчи бўлган сизнинг ҳар хил тиллардан таржима қилиб, энг яхши, энг мазмунли ҳикоятларни тўплаб чиқарган «Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони» деган китобингиз бўлди.

Мен, Уринов Абдулфайёзбек, 1976 йилда Ленинобод (Ҳўжанд) да таваллуд топганман, оддий ишчи оиласида, мактабда таълим олганман (ёзувимида хато учратсангиз айбга буорманг). Кейин тақдир билан ота-онам ажралишди ва биз онамнинг юрти Андижонга кетдик. У ерда бироз яшаб, Тошкентга келдик. Мен ва укам бозорда ишлашимиз ҳозир. Ўзи китоб ўқишга жуда қизиқман. 1996 йилгача фақат русча китобларни ўқиб келардим. Кейин чет эл фантастикасига қизиқдим. 1996 йилда Аллоҳ мени хуш кўриб, менга хидоят ва аймон берди (ҳар бир бандасига берсин). Кейин ўзбекча китоблар ўқишга бошладим, озгина кийинчиликлар билан. Ҳозир энди яхши ўқияпман. Китоб ўқиганда уни ёзган киши хақида ўйламас эдим, лекин сизнинг китобингизни ўқиб, «Ойла, ота-она ва фарзанд» бобига келганда, ўқишни тўхтатиб, ким ёзганликдан деб, уни яна бошидан ўқиб бошладим. Ўзимда бор ахлоқларни ҳам учратдим, лекин яна кўпроқ одоб, ахлоқларга эга бўлдим. «Одоб буюқ тождир, уни кийгин-да, қаерга борсанг, боравер», дарҳақиқат.

Китобда ёзилган уламоларнинг сўзларидан менга кўпроқ ёққан Хожа Самандар Термизий, Хуррабий, Фаридиддин Аттор, бундай олиб қараганда, ҳаммаси зўр, ҳатто сизнинг сўзларингиз ҳам ўзига яраша:

**Эл учун тер тўкса агар одамзод,
Бир умр эл ичра номи бўлар ёд...**

**Уйкуга бош кўйдим, ёнимда китоб,
Китобдан ногаҳон келди бир хитоб.
Эй инсон, гафлатнинг бандаси бўлма,
Умр оз, ўтади сув каби шитоб.**

Маҳмуд ака, қилган меҳнатингизга ҳавасим келарди. Худойим сизни ўзи қўлаб-қувватласин. Бу китобдан 50 000 нуска (нашр) бўлган бўлса, ҳар бирини камида икки киши, оқил киши ўқиб, унга амал қилса, 100 000 та одобли, ахлоқли (бўлиб), сизни яхшилик билан эсга олур, сизга дуо қилурлар, мен ҳам. Мен ҳам ўз ватанимизга, эл-юртимга ўз хиссамни қўшмоқчиман. Худо хоҳласа, 1999 йил ташкил топган Исом университетига кирмоқчиман. У ерда таълим олиб, ўз халқимга хизмат қиламан.

**Бир дўстки, ҳеч кимга бермаган азоб,
Узоқ синаб кўрдим, билсанг, у китоб.
Сирни аширмайди ўқувчисидан,
Хабар қилар сенга ёзувчисидан.
Хилватда сен билан бўлиб у улфат,
Жимгина куради сен билан суҳбат.
Ҳеч кимдан қолишмас, билимли ахбоб,
Ундан сўрамасанг, бермайди жавоб.
Ассало муайкам ва раҳматуллоҳи ва баракотух.
Конверт устига мана бу байтни ёзиб кўйибди:
Хунаридан бир кун етарсан бахтга,
Хунарсиз ким етар тож ила тахтга.**

Китобимнинг бир кишига шунчалик таъсир кўрсатгани, ёш йигит ахлоқининг мукаммаллашиши, одобининг ўзгаллашишига сабаб бўлганини эшитиш мен учун катта бахт эди.

**Хаётим бир ширин тил ато қилса,
Шу тилга лойиқ бир дил ато қилса,
Умрим оз бўлса ҳам, аммо минг йилга,
Тотувчи ажойиб йил ато қилса.**

Абдулфайёзбекда менга нисбатан миннатдорчилик туйғулари пайдо бўлганидек, менда ҳам истеводли журналист Тўлқин Расулевга нисбатан миннатдорчилик ҳислари барқ уриб турарди. Негаки у «Тошкент оқшомининг» «Шанба оқшомини» саҳифаси учун одоб-ахлоққа оид материаллар сўрамаганда, мени доимо шу ишга жалб қилиб турмаганда, эҳтимол «Одоб бўстони» китоби юзга келмаган бўларди.

**Яхши бўлса агар инсон улфати,
Тобора ошад яхши хислати.
Номозшомгулга боқ, Кўёшни кўрча,
Кўз юмиб ошади доим иффати.**

Маҳмуд ХАСАНИЙ

«Ирок», «Қашқарчаи ушоқ», «Насрулло», «Мўғилчаи дуго», «Наврўзи сабо», «Тўлқинлар» радио тўлқинлари орқали оламга таралди, санъатсеварлар қалбига ором бағишлади. Хонанда репертуарининг бойлиги, ижро мундарижасининг ранго-ранглиги ҳаммаи лол қолдиради. Италия, Германия, Франциялик мутахассислар, санъат намояндлари ҳам бу машҳур ижрочи, ноёб овозли хофиз маҳоратига таҳсинлар ўқигандилар. Беназир хофиз, ижро санъатининг мафтунни бўлган ғазалхон шоир Шукрий Шамс ҳам ўз хайратини мана бундай мисраларда акс эттирганди:

**Овози фалак тоқига етди,
Парвози умри боқига етди...**

Домла биринчи ўзбек санъати ўн кунлиги — «декада»-сида ҳам фаол иштирок этди. Ўзбекистон композиторлари ижодий уюшмасининг I курултойида ҳам қатнашди, шунингдек, мамлакатимизда ўтказилган маданий-маънавий тарғибот тадбирларида бевосита иштирок этди, салоҳиятли хизматлар кўрсатди. У жуда кўп шоғирларга устозлик қилди. Юнус Ражабий, Толибжон Содиқов, Мухтор Ашрафий, Шариф Рамазонов, Мутавақил Бурхон, Наби Хасанов, Олимжон Халимов (хофизнинг ўғли) кейинчалик Ўзбекистон мусиқа маданиятининг йирик намояндалари бўлиб етишдилар. Булар қаторида тожикистонлик хонанда, созадлардан Ш. Соҳибов, Ф. Шаҳобов, Бобоқулловлар ҳам бор эди. Унинг издошлари театр маданияти ривожига ҳам катта хисса қўшдилар.

Домла Халим Ибодовнинг мусиқий маданиятимиз тарғиботи, ижрочилик санъатининг ривожига қўшган катта хиссаси юксак баҳоланди — унга «Ўзбекистон халқ хофизи» фахрий унвони берилди. Бухородаги мусиқа билим юрти унинг номи билан аталган. Ажойиб санъаткор 1940 йилда вафот этди, бироқ унинг номи, адо этиб кетган хайрли ишлари, қолдирган бой маданий мероси ҳамон тилларда, дилларда, истиқлолий жараёнимизга баракали хизмат қилиб келмоқда.

**Баҳриддин НАСРИДДИНОВ,
театршунос олим, мунаққид.**

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) Ўзбекистон халқ артисти, бастакор Имомжон Икромов, Ўзбекистон халқ хофизлари Мулла Тўйчи Тошмухамедов, Домла Халим Ибодов ва бошқалар. 30-йилларда олинган сурат. (Сурат мақола муаллифининг шахсий архивидан олинди).

тирок этган эдилар. Концертларда иштирок этган Домла Халим Ибодовнинг кўнгирокдек жарангдор овози бу ердаги санъат мухлисларини ҳам хайратга солди. Уша чоғларда унинг ноёб овози, ижрочилик маҳорати назанда акс этиб, тараннум этилди.

Шу йиллари машҳур хонанданинг овози

САНЪАТИМИЗ ДАРФАЛАРИ

Овози фалак тоқига етди...



сида бўлиб, ўзининг сеҳрли овози, ноёб ва ажойиб иқтидори билан эл ичра достон бўла бошлади. У ҳақда шундай шерлар ҳам битилди:

**Домла Халимда бордир ноёб овоз,
Кўнгли қишларни ҳам айлайди у ёса...**

1923 йилда биринчи қишлоқ хўжалик кўргазмаси ташкил этилиб, унда Ўзбекистондан ташриф буорган халқ санъаткорлари Юсуфжон қизик Шакаржон, Мулла Тўйчи Тошмухамедов, Домла Халим Ибодов, Аҳмаджон Умурзоқов, Шорахон Шоумаров, Гулом Зафарий, Абдуқодир Исмоилов ва Тухтасин Жалиловлардек моҳир санъат намояндлари иш-

зи, ижро этган кўшиқларининг овозаси мамлакатдан ҳам четларга таралди. Домла Халим ашуллари ёзилган грампластинкалар Оврупо мамлакатларига ҳам етиб борди ва эъзоз топди.

1928 йилда маданий ҳаётимизда муҳим воқеа содир бўлди: Самарқандда мусиқа ва хореография институти бунёд этилди. Мазкур институтда дарс бериш учун Ҳожи Абдулазиз Расулов сингари Домла Халим Ибодов ҳам тақлиф этилди...

Домла Халим 1931 йилдан бошлаб Ўзбекистон радиосида хизмат қилди. Мусиқий маданиятимизнинг бебаҳо дурдоналари бўлмиш «Савти сарвиноз»,

Дейдиларки, тун кечада осмондан юлдуз узилди, ерга қараб тушиб келсаю, йўлда ёниб, ўчиб қолса, заминдаги бир қимсаннинг жони узилди, бу дунё билан хайрлашармиш... 1878 йилнинг кунларидан бирида эса бундай ҳол рўй бермади, Бухоро шахрининг осмон тоқисидан бир юлдуз узилди, ёниб келдию ўчди, аммо шу кеча бу аъми шаҳарда ҳеч бир зотнинг умр риштаси узилмади. Аксинча, кўҳна Бухорода гаройиб бир воқеа рўй берди — тўқувчи Ибодулло оиласида катта хурсандчилик содир бўлди — унинг хотини ўғил кўрди.

Ҳаётда нималар бўлмади дейсиз. Бу болакай келгусида Домла Халим Ибодов бўлиб, машҳур халқ хофизи сифатида катта шухрат қозонди. Халимжон Ибодов ўн ёшлариданоқ доира чертиб, халқ кўшиқларини ижро эта бошлади. Боланинг ёқимли овозини тинглаб, хузур қилган таниш-билишлари унга таниқли хонанда ва созадда уста Шарофга шоғирликка тушишни маслаҳат бердилар. Устоз шоғирда мусиқа санъатининг сир-синоатларини ўргата борди, унга асрий «Шашмақом» намуналарини таништира бошлади. Ўзбек хонандалари — ижрочилик санъатининг энг яхши анъаналарини мукамал биладиган машҳур хонанда ва созадлар Ота-Ғиёс, Ота-Жалоллар билан яқиндан танишишга ёрдам берди.

Ун саккиз ёшида Халимжон бутун Бухорода яхшигина танилган хонанда бўлиб етишди, у мақом намуналарини ажойиб қилиб ижро этар, ёқимли ва жозибали овози билан тинловчиларнинг завқ-шақини келтирарди.

Туркистон ўлкасида жадидчилик ҳаракатининг, халқ озодлик тадбирларининг фаол иштирокчиси, Мунаввар қори сингари хурриятпарварнинг маслақдоси Муҳиддин Шарафиддинхўжаев шундай дея хотирлаганди:

— 1920 йилда концертлар бериш, маданий хизматлар кўрсатиш ҳам кўзда тутилган. Абдурауф Фитрат билан маслаҳатлашиб, мен ўшанда Домла Халим Ибодовни хузуримизга тақлиф қилдик ва халқнинг сувоқли хонандаси бошчилигидаги хонанда ва созадлар концертлар бериб, фаоллик кўрсатдилар.

Домла Халимини айниқса Файзулла Хўжаев хурматлаб ёъзозларди, элнинг қайси бир катта маъракасига бормасин, Домла Халимини албатта чорларди. Кейинчалик ташкил этилишига Файзулла Хўжаев бевосита сабабчи бўлган даст-

ТўЙЛАРИМИЗ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Кексаларимиз фотиҳага қўл очаркан, «Тошган-тутганларимиз яхшиликка, тўйларга буорсин», дея дуо қилганларининг кўп марта талаб гувоҳи бўламиз. Бу — бежиз эмас. Ҳар бир ўзбек хонандонида еган-ичганидан олгини яхши ният билан ниҳоқ тўйларини, оққа ва ўғил тўйларини йиғиш одатини ким билмайди. Ҳар бир ота-она шундай эл-юртта ош берсам, яхши тўйлар қилсам деган эзгу ният билан яшайди. Бунинг ҳеч қандай айби йўқ — зеро, бу интилиш ҳам халқимизнинг азалий меҳмондўстлиги, қўли очик, саҳоватлиликдан бир нишона.

Истиқлол йилларида ана шундай оилавий маросимлар, тўю-тантаналар, оила бахти, хурсандчилигини кўпчилик билан баҳам қўриш билан боғлиқ удулларимизни ҳеч қандай монеликсиз ўтказиш имкони туғилди. Одамларимиз ўз иқтидорларини тўла намоён қилишлари, тадбиркорлик ва ишбилармонлик қобилиятларини ишга солишларига кенг шароит яратиб берилгани туфайли юртимизда топармон-тутармон, ўзига тўқ ва бой хонандолар сонни тобора кўпаймоқда. Чин маънодаги мулкдорлар, бойларимиз сафи кенгайиб борапти. Бу ҳам давримиз белгиси — ахир келажати буюқ давлатни барпо этиш ғояси замирида бутун халқимизнинг тўқ-фаровон ҳаётини таъминлаш мақсади ётади.

Шундай экан, дорилмон давримизга тўйлар ярашади, тўйларимиз кўпайверсин. Минг шукрки, қишин-ёзин карнай-сурнай садолари янграмаган бирор кун йўқ. «Бор — борича, йўқ — ҳолича» деганларидек, ҳар ким ўз имконияти доирасида ўз орзу-ҳавасларини рўёбга чиқармоқда. Мана шу ерда биз айтмоқчи бўлган асл мақсадга яқинлашдик. Яъни, юрғичлик — ошиб-тошиб кетганлар ҳам бор, имконияти анча чекланганлар ҳам бор. Бозор муносабатлари ҳаётимизга сингиб бораётган экан, ҳар бир инсон бор қобилияти, истеъдодини ишга солади ва шунга яраша имкониятларга эга бўлади. Давримизнинг ўзига хос хусусияти, афзаллиги ҳам ҳар биримизнинг ўз лаёқатимиз, ғайрат-шижоатларимизни ишга солишимиз учун барча шароитлар яратилётганидир. Ҳалол йўл билан, жамиятга ва ён-атрофдагиларга зарар етказмаган ҳолда бой бўлишга интиласизми — бунга ҳеч қандай монелик йўқ. Бинобарин, боя айтганимиздек кўп топданганлар ва имконияти чекланганлар бўлиши табиий.

Энди тўйларимизга келсак, ўзим топдимми — истаганча сарф қиламан, деб дабдалаби тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказувчилар қулоққа чалиниб туради. Баъзан «ном чиқар»га казо-казо санъаткорларни тақлиф этиб, бир неча-

лаб қозонлардан ош тортувчиларни ҳам эшитамиз. Ана шунда беихтиёр «Бойлик топиб, ақд топмади» деган ибора едга келади. Ахир бойлик — исрофгарчилик деган гап эмас-ку, уни ердан супуриб олинмайди! Орзу-ҳавас ҳаммага керак. Лекин мен бор эканман деб, шон-шухрат, дабдалабозлик кетидан қувиб, олди-орқасига, ён-атрофига қарамай иш қилиш — юмшоқ қилиб айтганда — маданиятсизликнинг ўзгинаси!

Тўй маросими маданиятнинг ўзи нимада, деган савол туғилди. Албатта — меъёрда. Ҳар бир ишда бўлган и д е к ,



орзу-ҳавасни кўз-кўз қилишда ҳам меъёр бўлиши керак. Эл-юрдан, кўпчиликдан ажралиб, ортқча ҳашамларга берилиш ҳам манманлик, такаббурликка кирди, кўпчиликка маъқул келмайди. Шу муносабат билан ҳамшаҳарларимиздан бирининг шоҳид бўлган бир тўйдаги ҳолат ҳақидаги ҳикоясини келтириш ўринли. Бир жойда бир дастурхонда ҳамма нарса бор — бисёрчилик. Бу — исрофгарчиликку, деб ўтиргандик, дея ҳикоя қилади у киши, — шу пайт 2-3 автобусдан меҳмонлар туша бошлашди. Улар шаҳардаги меҳрибонлик уйларида бирида яшовчилик экан. Шулар хурсанд бўлиб, бизнинг ҳам кўнлимиз таскин топди. Тўй эгаси эса катта савабга қолди...

роили ўтказишни ташкил қилиш мумкин-ку. Орқаваротдан гапириб, ғийбат қилгандан кўра жамоатчилик таъсирини ўтказиб, кўпчилик бўлиб қабул қилинган тартибларга ҳамманинг рияоз қилишига эришса бўлади.

Баъзан маҳалла оқсоқолларининг шу борада оммавий ахборот воситаларига эътирозларини эшитасиз. Албатта, уларнинг бу борада ўз ўрни бор — тарғиботчиликнинг аҳамияти катта. Аммо маъбуотини роли аввало жойлардаги тажрибаларни ёритиш, жамоатчилик фикрини шу соҳага йўналтириш, шакллантиришдан иборат. Биринчи навбатда ҳар бир маҳалла ўз ичда тартиб ўрната олмас экан, четдан туриб бирон натижага эришиш қийин.

«Маҳаллалар, — таъбир жоиз бўлса, кишилик жамиятида алоҳида тарбиявий аҳамиятга молик бўлган ўзига хос маскандир... Инсонни жамият билан бирига яшашга ўргатадиган, шу рўҳда тарбияладиган бирламчи ва беқисс макон — бу маҳалладир». Юртбошимизнинг юқоридаги айтган сўзлари замирида чуқур маъно бор. Ҳақиқатан ҳам, ҳамма соҳада бўлганидек, тўй ва маросимларни ўтказишда меъёрни белгилашда, унга барча маҳалладошларнинг рияоз қилишларига эришишга айнама маҳалла кўмиталари, тўй ва маросим кенгашлари, фаолларнинг ўрнини босадиган куч йўқ. Бой-бадавлат кишиларнинг муҳожарларга ёрдам беришларини уюштириш, хайрия-саҳоват ишларини кенг йўлга қўйишда ҳам шу маҳаллалар оқсоқолларининг обрў-эътибори, шахсий намуналари муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакат Олий Мажлисининг яқинда эълон қилинган қарорига кўра шу йил май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилади. Бу муҳим тадбир маҳалла етакчилари ташкилотчилик қобилиятларининг муҳим кўриги, синови бўлади. Маҳалладошларнинг ўзаро меҳр-оқибатли бўлишларини таъминлашга қодир кишиларгина шу сайловларда ғалабага эришадилар.

Истиқлолнинг ўн йиллигидек энг улуг ва энг азиз байрамни нишонлашга умумхалқ тайёргарлиги ҳозир айни қизгин паллага кирди. Халқимиз бу қутлуғ айёмни ҳамма соҳада янги, юксак натижалар билан қутиб олишга ҳозирлик кўрмоқда. Маънавий қадриятларимизнинг муҳим қисми бўлган тўйларимиз ва бошқа маросим ҳамда удулларимизни давримизга муносиб равишда ўтказиш, бу соҳада ҳам юксак маданиятимизни намоён этиш, бир-биримизга меҳр-оқибат, ҳур-саҳоват кўрсатиб яшаш Улуғ байрамимизга бебаҳо тўхфамиз бўлади.

САИДКОМ САИДВАЛИЕВ

ТАЪЛИМ

Ҳозир республикамизнинг олий ўқув юртларида маркетинг хизмати йўлга қўйилган. Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институтида ҳам бу тармақ ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Ахборот технологиялари маркази

Олий ўқув юрти маркетинг хизмати бўлими фаолиятини кенгайтириш билан боғлиқ тадбирлар ҳам эътиборни ўзига жалб этади. Бўлим таркибига «Замонавий ахборот технологиялари» марказининг ташкил этилиши ҳам нур устига аёло нур бўлди. Марказ бўлажаки шифокорларни жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида амалга оширилётган тиббиётга доир янгиликлар билан ошно қилиш режаларини ҳам белгилаб олди. Бунинг учун мустақкам моддий-техник негиз яратилди. Институтнинг кўп қиррали илмий ва амалий фаолиятини ахборот маълумотлари билан таъминлашда марказга ўрнатилган компьютер қурilmалари муҳим ўрин тутмоқда.

Айни вақтда олий ўқув юрти интернет алоқа тармоғида ўз сайтига эга бўлди. Бу эса турли мамлакатлардаги тиббиётга доир янги ахборотларни тўплаш ва уларни оммалаштириш имконини беради.

Шунингдек, институт клиника шифохоналари, янгиликлари ҳам компьютер тизими орқали кенг ёйилмоқда. «Замонавий ахборот технологиялари» марказини техник жиҳозлаш учун 12 миллион 700 минг сўмлик маблағ ажратилди.

Ақбар АЛИЕВ



Кокиллари ўзига ярашади... Равиля Альбеков олган сурат.

Сен ўшамисан?

(ВОКИБАНД)

Анчадан бери кўришмаган бир танишим билан учрашиб қолдим. Билмадим салом-алик қилдикми, йўқми... У эса дабурустан: — Сен ўшамисан, палочка-палочкисан? — деб қолса бўладими, боз устига «Халиям бормисан?» дейди-я.

Гапининг тагида кўпол, ёмон ниҳат ҳам сезилиб қолган-ди ўша онда. Унинг наздида мен, аллақачон... Мен эрсам тезда ўзимга келиб олдим, уйғонгандай бўлдим. Кўполлик қилмадим-да: — Яхши юрибсанми, саломатмисан, умрингдан барака топ, ёмон ниҳатларининг ниҳати ўзига урсин! — десам-чи, бир қизарди, бир бўзарди, ўзини кўйишга жой тополмади-да, охирида: — Сенларга ҳазиллашиб ҳам бўлмайди, — деди-да, бир зумда қайга гойиб бўлганини билмай қолдим. Ҳазилнинг таги зил бўлади дейишгани ҳақ экан...

Нуқсонимни юраркан йиғиб...

Аслида дўстлар турфа бўларкан. Дил-у жон дўст бўларкан, ош-у нон дўстлар... Дўстим деб юрганганим биттаси ош-у нон дўст кўчим қолди.

Яхши дўстлар одатда бирор нуқсонинг сезилиб қолса, тузатишга киришади, тузатиш-да, камчиликлардан фориғ бўласан, енгил тортасан. Нон дўстлар-чи, нуқсонларининг кузатишаркан, йиғиб юришаркан.

Кўп қатори бир дўстим деб юрганганим нуқсонини тузатишга уринибман билмасдан, хон сут инган бандамиз-да барчамиз. Ундан роса дашном едим-ки, боз устига менинг талай нуқсонларимни тўкиб солди, йиғиб юрак экан нуқсонларимни... Атайлабми айтмай юраркан ўшал нон дўстим, ўсал қилиш учун... Бир одам юрарди ёлгон «хи-хи» лаб... Нуқсоним йиғаркан наҳ, о-ю йиллаб.

Ўпкам бор экан

(ВОКИБАНД)

Одатим буйича даволанмоқчи бўлиб, шифокорга бордим. Ҳамширалар мени икки кишилик хонага олиб беришди. Хонага киришимиз билан ҳамшираларнинг бири:

— Мана домла, Сизга шерик олиб келдик, — дейиши билан, бир ўзи ётган беморни чўчиқиб юборгандай бўлди.

— Эй, мен бир ўзим бўлишим керак эди-ку, — деб юборди салом-аликисиз.

Ҳамширалар хайрон бўлишди, нима деярли билишмади бечоралар. Бир-бирига қарашди-да аста чиқиб кетишди. Мен ҳам шу аснода хижолатдаман, нима қилишимни билмай, анг-танг бўлиб қолдим.

— Ахир мен учта академиянинг академиги, хизмат кўрсатган фар арбоби бўлсам... — деди-да ўзича аста чиқиб кетди. Мен лом-мим демадим. Ўша бемор юқоридида гапларни менга эмас, бошқаларга айтиши жоиз эди, одоб нуқтаи назаридан. Гапи оғир ботди кўнглимга. Ўпкаси йўқроқ одамга ўшади наздимда. Бироздан кейин анча бўшашиб қайтиб келиш хонага. Парво қилмадим. Асабидан шикоят қилди, сўрамасам-да. Одатда ҳамхоналар танишиб олишарди, биз танишмадик ҳам. Эртасига эрталаб ҳамшира аёл келиб, ренгтенга боришимни тайинлади. Бордим. Ўпкамни текширишди. Чиқиб келиб йўлақда бир танишим билан учрашиб қолдим. Танишимга «ўпкамни текширишди», — дедим.

— Соғ эканим ўзи, — деди у ҳам.

— Қизик, текширишди-да, ўпкамнинг борлигига маълумотнома сўрасам беришмади, — деб турганимда, ҳамхонам ёнимга келиб, гапимни ашитиб қолди.

— Ўпкамнинг бор экан-ку ахир, ўпкаси йўқлардан асрасин, — деди танишим.

— Ха, ўпкаси йўқлар ҳам кўнга ўхшайди, — деб қўйдим.

Ҳамхонам гапимдан қизариб хонага кириб кетди. Биз қулишиб йўлимизга кетдик. Эртасига эрталаб ҳамхонам мулоимлик билан ке-чирим сўради, асабидан шикоят қилди.

Мен одоб юзасидан: — Кечирим сўрашингизнинг ҳолати йўқ, — дедим-да, сир бой бермадим...

Узрни кейин айтгин

Тошхон деган аммам бўларди. Набира кўёвларини Қорақа дердик хурмат юзасидан. Ёзининг жазирама кунларининг бирида мени тўғай айтиб келди. Қаранг, мен содда бечора, тўғай айтиб келган одамга рўй-рост гапириб, эртага палон шаҳарга кетаётган эдим — узр, — деб қўйибман шартта. Қорақа деганимиз уста сар-тарош эди, кўпни кўрган, зукко эмасми, бироз ўйлаб қолди-ди, истеҳзо аралаш:

Корея Республикасининг кўшма корхонаси

Тошкент шаҳрида яшовчи 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган қизлар ва аёлларни тўқимачилик саноятининг қуйидаги ихтисосликлари: йиғирувчи ва тўқувчи, ип ўраш, тараш, титиш, лентани текислаш анжомларининг операторлари; Қуролли Кучлар сафларида хизматни ўтаб қайтган 20 ёшдан 35 ёшгача бўлган йигитларни эса электрик, уста ва чилангар ёрдамчилари, таъмирчилар касбларига доимий ишга тақлиф этади. Юқорида санаб ўтилган ихтисосликларга эга бўлмаган ишчилар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда касбга ўргатилади.

Ишчилар оқват, махсус иш кийими, транспорт хизмати билан таъминланади. Ишга вақтбай тарзида ҳақ тўланади. Ҳар сешанба ва жума эрталабки соат 8.30 дан бошлаб қабул кунлари ҳисобланади. Манзиллимиз: Шайхонтоҳур тумани, Зиё Самд кўчаси, 2-а уй. Телефон: 120-48-00 (12-09).

НАЗМ

Бағрингдаги бахтли қиз

Жамолинга махлиё, Бўлганлар қанча-қанча, Она шахрим —

Номингни дунё бўйлаб, Минг тилда айтар», — дерлар,

Сен доим меҳмондўстсан, Бағри кенг ўша-ўша. Дўстларимиз келсинлар, Денгиз-у тоғлар оша.

Сенга тинчлик тилайман, Останонга қўйиб бош, Бағрингдаги бахтли қиз, Менман ўша — Гавхартош.



Синфдош дўстларим эса шу баҳор, «Мақтабни битириб кетяпман», — дейди.

Ниҳатим, баҳордан кейин-ёз фасли, Илм даргоҳларига бориб қирайлик. Баҳорни соғиниб яшаган каби, Устозни, мактабни қўмсаб юрайлик.

Юртимга кўкларнинг нафаси келди, Баҳорий кайфият ҳамроҳидир менга. Мени улғайтирган она мактабим, Соғинчларим сенга, таъзимим сенга. Гавхар ҲАМОКУЛОВА, Тошкент шаҳри, Юнусобод туманидаги 12-мактабнинг 9-а синф ўқувчиси.

Айтилмаган тўйга...

Нима бўлди-ю улфатларимнинг қистови билан бир танишимнинг тўй ошига бориб қолсам бўладими, бўлганимча бўлдим. Тўйхонага кириверишда барчага кўринадиган жойда тўй эгаси турарди. Менга кўзи тушиши билан денг, худдиқа ёнимга келиб баралла: — Эй, бормисиз, ўзим айтишга улгурмасам-да келганингиздан бошим осмонга етди, — деди ва икки кўлаб қўришга кетди.

Атрофдагилар бир менга, бир тўй эгасига таажубда қарашарди, айтмасам ҳам келиб-я дегандай. Мен эсам, ер ёрлмади, ерга кирмадим. Пешонамдан совуқ тер чиқиб кетди... Кириб ош едик, мен ошини эмас, ош мени ёнгандай ҳолатдаман, хижолатдаман бошқалардан. Тўй эгаси индамай, қайтаётганимда миннатдорчилик билдирса бўлмасмиди? Иккаламиз нодонлик қилдик... Шу-шу валломатининг тўйига ҳам айтмасам бормаслик сабогини ижро этаман.

Отам қарзини узганим

Аниқ эсимда, отам раҳматли бетоб ётганларида, «Тарновбошидаги бир ошнамдан берарим бор эди, узолмадим-да, Пулатхўжа», — деб узок сукутга кетдилар. Ўша ошномларини гира-шира танирдим-у, бир нима деёлмадим, бир ўғли бор эди, уни танирдим. Салом-алигимиз бор эди кўринганда. Йиллар ўтди. Ночорлик йиллари эди. Отам ҳам оламдан ўтди... (жойлари жаннатда бўлсин.) Қарангки, халиги зотнинг мен танийдиган ўғли Эски Жўва бозорда дориворфурушлик қиладиган бўлиб қолди. Бозор тушганимда ўша одам билан (исмини билардим, ёдимдан кўтарилибди, афсуслар бўлай) ҳамган бўладиган — якин ошно бўлиб қолдик. Бир кунни денг, отам айтган гапни-қарзини айтдим.

— Қўйсангиз-чи, ўзлари узилишиб кетгандир, — деб кўнма-беришимни тайинлади. Бордим. Ўпкамни текширишди. Чиқиб келиб йўлақда бир танишим билан учрашиб қолдим. Танишимга «ўпкамни текширишди», — дедим. — Соғ эканим ўзи, — деди у ҳам. — Қизик, текширишди-да, ўпкамнинг борлигига маълумотнома сўрасам беришмади, — деб турганимда, ҳамхонам ёнимга келиб, гапимни ашитиб қолди. — Ўпкамнинг бор экан-ку ахир, ўпкаси йўқлардан асрасин, — деди танишим. — Ха, ўпкаси йўқлар ҳам кўнга ўхшайди, — деб қўйдим. Ҳамхонам гапимдан қизариб хонага кириб кетди. Биз қулишиб йўлимизга кетдик. Эртасига эрталаб ҳамхонам мулоимлик билан ке-чирим сўради, асабидан шикоят қилди. Мен одоб юзасидан: — Кечирим сўрашингизнинг ҳолати йўқ, — дедим-да, сир бой бермадим...

Ўзидан ўзи тўқилган байт

Яқинда бир устоз шоғирдининг катта лавозимга кўтарилганини эшитиб, илтимоси бўлмаса-да кўргиси келиб борибди. Қабулхонадаги котиба аёл жуда илиқ кутиб олибди. Котиба эса ул зот келганини айтишга бошлиқ ёнига кирибди-да, аммо маъносроқ ҳолда чиқибди, бошлиқ олдида казо-казолар мажлис қилишаётганини ийманиброқ айтибди бечора котиба. Узок кутиб қолганини тўшунтирибди. Устоз узр ва салом айтиб қўйишни ҳам унутибди. Ўшал устоз ақён ошнам эрди маним. Ноилож, бир пайт, бир байт тўқиб қўйибман ўзимдан ўзим:

Устоз бормисиз шоғирдининг қабулига, Кирилмабдир шоғирди ноқуболига...

Янги байтлар

Даврада ноҳадан азият тортидм, Олишмай, ўзимни даврадан тортидм...

Ҳамроҳ бўлса такасалтанг, Бир кун қилур ҳолингни танг.

Нодонга қилган яхшилигинг Қуритадир ахир илгинг...

Мақтовларга ўрганмагил, Тагин бир кун ўртанмагил.

Кексаларнинг сўрама ёшин, Оллоҳ сақлар аларнинг бошин.

ХАНДАЛАР

Бир киши ландовур ошнасига дели:

— Мен Америка, Швейцария, Венгрия каби хорижий мамлакатларда уч ой саёхатда бўлиб қайтдим.

— Худди сендан бошқа ҳеч ким чет элга бормагандай намунича мақтанмасанг, мен ҳам чет элга бўлганман.

— Утган йили мен ҳам Қирғизистоннинг Ўш, Ўзган, Жалолобод, Олабуқа шаҳарларига уч кунлик саёхатга бориб келдим...

— Китобим нашрдан чиқмай туриб оғизга тушиб кетди-я? — дея мақтанди ёш ёзувчи.

— Қандай қилиб?

— Қалам ҳаққиға хотиним тиш қўйдириб олди.

— Юрагимни ёзингиз тагига оёғи ташладим, энди хулоса чиқариш сиздан.

— Юрак ёздалиган жойни зап топибсан-да...

Хусанбой ТОЖИМАТОВ, Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетининг катта ўқитувчиси.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНING ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ 2001 йил 25 май, 15, 29 июнь, 13, 27 июль кунлари соат 10.00 да кимшош савдолари ўтказиши. Тошкент шаҳри туманида Савдо, маъшиш хизмат кўрсатиш, умумий оватланиш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш мажмуаларини куриш учун мўлжалланган ер майдонларининг узок муддатли ижара ҳуқуқи

КИМОШДИ САВДОЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИ:

Table with 4 columns: No/tp, Ер майдони жойлашган манзил ва куриладиган шохобча тури, Ер майдонининг сатҳи, Бошлангич нархи (сум). Rows include AKMAL IKROMOV TUMANI, SHAYKHONTOXUR TUMANI, YUNUSOBOD TUMANI, SERGELI TUMANI, MIRZO ULUFBEK TUMANI, SOBIR RAHIMOV TUMANI, YAKKASAROV TUMANI, MIRZO ULUFBEK TUMANI, SERGELI TUMANI, BEKTEMIR TUMANI, CHILONZOR TUMANI, SHAYKHONTOXUR TUMANI, YUNUSOBOD TUMANI.

Савдода юридик ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Кимшошди савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин. Савдолар қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-а уй. Телефонлар: 133-20-74, 133-39-57.

БУ АЖИБ ДУНЁ

Изланишлар, кашфиётлар

Француз олими Пьер Симон Лаплас 1795 йилдаёқ ўзидан ёруғлик чикармайдиган, лекин ўзи ёритқич бўлган космик объектлар мавжуд бўлиши мумкинлиги ҳақидаги илмий фаразини айтган эди. Олим бутун зичлиги ёрининг зичлигидан, катталиги эса кўёш диаметридан 250 марта катта бўлган юлдузлар кудратли тортишиш кучи тўғрисидаги ёруғлик нурларининг четга чиқиб кетишига йўл қўймайди. Натижада бундан юлдузлар ташқаридаги кузатувчига кўринмай қолади. Шу сабабли коинотдаги энг ёруғ юлдузлар ҳам кўринмас бўлиши мумкин, деб ёзган эди. Ана шундай фикрни илмий сейсмология асосчиларидан бири, инглиз олими Ж.Мичелл ҳам илгари сургани қандайдиган маълум бўлди.

Олам ахлит тузилган бўлиб, у вақт ва маконда чегараланганлигини буюк олим А.Эйнштейн назарий ҳижатдан исботлаган. Аммо олим А.Фридман 20 йилларнинг бошларида бир хил тузилишли оламда токнинг тортиш кучи мавжуд экан. У тинч ва ўзгармай қолаолмаслигини балки ҳозирги даврда кенгайиб бораётганини математик тенглалар билан асослаб берган эди. Буни А.Эйнштейн ҳам тан олган. Америкалик олим Э.Хаббл галактикалар спекторида кизил силжиш борлигини аниқлади. Товуш ёки ёруғлик манбаи кузатувчига якинлашса, шундан тарқалган нур ёки тўлқин узунлиги қисқарар, агар узоклашса чўзилар экан.

Алоҳида имтиёз

Жаҳондаги турли шаҳарлар каби Пекинда ҳам кўчани фақат белгиланган жойидан кесиб ўтиш мумкин. Лекин Хитой пойтахтида қариялар кўчанинг у томонига ўтишлари учун алоҳида имтиёзга эгалар. Етмиш ёшдан катта бўлган кишилар кўчанинг ўзлари хоҳлаган жойидан кесиб ўтишлари мумкин, бу вақтда ҳайдовчилар машиналарини тўхташиб туришлари шарт.

Бўйга қараб йўлкира

Канаданинг Торонто шаҳрида болалар автобус, метро, троллейбусларда бўйларига қараб йўлкира ҳақи тўлашади, яъни транспорт эшикларининг олдида 11 ёшли боланинг ўртача бўйига тенг баландликда белги қўйилган. Кимки ўшандан паст бўлса, болалар паттаси учун пул тўлайди, катта бўлса катталар билан тенг ҳақ тўлайди.

Фойдали усул

Ҳозирги кунда йигирма миллиондан ортиқ амриколиклар ичи сув билан тўлдирилган махсус тўшақларда ухлашади. Бундай усул бир неча йиллар муқаддам Америкада, тўғрироғи, Калифорнияда пайдо бўлган. Шифокорларнинг таъкидлашларича, турли бел оғриқлардан азоб чекаётганларга худди шундай усул фойда бераркан.

Шунақаси ҳам бўлади

Ҳисоби Петер Шелл ролла-роса етти куну етти тун танаффуссиз душ қабул қилди. Шелл бу «машғулот»ни янада узокроқ давом эттириши мумкин эди, агар тана териси ёрилиб кетмаганди. Дарвоқе, Шелл Ниенденда яшайди.

Boш муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзиллимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. Факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209. Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2.

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.